O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY XITOB PALATASI INV.№

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 8-mart, chorshanba, 10 (340)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

САХИФАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ҚАДАМИНГИЗ ЕТГАН ЖОЙ БАҲОР

Онанинг ўз фарзанди қошида бир тун мижжа қоқмай чиққанини фарзанд етмиш йил бедор бўлатуриб ҳам уза олмагай.

2-бет

ҚАНДАЙ ГАПИРГАН МАЪҚУЛ?

Инсоннинг мулойим, юмшоқ-табиат, хушхулқ бўлишида «сиз» сўзининг аҳамияти катта экан. Келинг, яхшиси «сиз»лаб гаплашайлик!

3-бет

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН

Сирдарё вилоятида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Х.Дўстмуҳамедов ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказди.

***

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари ўз сайловчилари билан жойларда учрашувлар ўтказдилар.

***

Бухоро вилояти Вобкент туманида ЎзМТДП Бухоро вилояти Вобкент туман кенгаши ташаббуси билан Оммавий спортни ривожлантириш мақсадида "Спорт — шижоат ва мардлик беллашуви" деб номланган спорт ўйинлари мусобақаси ўтказилди.

***

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туман кенгаши томонидан туманда"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан "Озодалик соғлик гарови " мавзуида тадбир ўтказилди.

***

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Ангор туман кенгашининг навбатдан ташқари конференцияси ўтказилди. Унда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди.

***

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида туман кенгаши томонидан "Оила — муқаддас даргоҳ" мавзуида ободонлаштириш тадбири ўтказилди.

***

ЎзМТДП Бухоро вилояти Бухоро туман кенгаши томонидан "Ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш истиқболлари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

***

Навоий шаҳрида жойлашган 17 ва 8-сонли ўрта мактабларда партиянинг шаҳар кенгаши томонидан "2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммилий дастури" асосида "Таълим– тарбияда мактаб таълимининг ўрни ва роли" мавзуида учрашувлар ўтказилди.

***

Партиянинг Наманган вилояти кенгаши фаоллари шаҳардаги умумтаълим мактабларида, болалар боғчаларида бўлдилар ва "Ҳомийлар ва шифокорлар йили Давлат дастури" асосида "Ҳомийлик — саховатпешаликдир" деб номланган тадбирларни ташкил этдилар.

***

ЎзМТДП Бухоро вилояти кенгаши томонидан Ибн Сино номидаги вилоят кутубхонасида "Ёшларда миллий дунёқарашни шакллантиришда кутубхоналарни ўрни ва роли" мавзуида тадбир ўтказилди.

***

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар кенгаши томонидан шаҳардаги 2-сонли мактабда "Ўз тақдирингни ўзинг асра мавзуида тадбир ўтказилди.

***

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 30-меҳрибонлик уйида партиянинг Тошкент шаҳар Ҳамза тумани кенгаши томонидан "Болаларнинг бегонаси бўлмайди" деб номланган тадбир ўтказилиб, кенгаш томонидан 160 нафар болага мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Ўз мухбиримиз

Ривоятларда келтирилишича, сумалак — муқаддас таом. Шунинг учунми, буғдой ундиришдан то сумалак пишгунча давом этадиган жараёнга кўпни кўрган кайвони онахонларимиз бошчилик қилишади.

Сумалак пишириладиган кунлар энг қувончли байрамдир. Баҳор билан ҳусн талашган қизжувонларнинг яллалари, рақслари, беғубор кулгуларидан кўнгиллар яшнайди.

Халқ тили билан айтганда, илик узилди кунларда дардларимизга дармон бўладиган сумалак мавсуми бошланди. Баҳор неъматларидан баҳра олайлик.

«ЧИНОБОД»ДА БАЙРАМ НАФАСИ

Хоҳ катта, хоҳ кичкина бўлсин, «Чинобод» сиҳатгоҳида ўтказиладиган ҳар бир тадбир ЎзМТДП фаолларисиз ўтмайди. Чунки сиҳатгоҳ ходимлари орасида партиямизнинг аъзолари кўпчиликни ташкил этади.

8 март Халқаро хотин–қизлар байрами муносабати билан ўтказилган байрам тантанасига ҳам партиянинг бир гуруҳ фаоллари таклиф қилинди.

Байрам тантанасини ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши хотин–қизлар қаноти раиси, олий тоифали шифокор Холида Ачилова олиб борди. Х.Ачилова барча ҳамкасабаларини байрам билан муборакбод этиб, сўз навбатини Чинобод сиҳатгоҳи ОАЖ бошқарув раиси Одилжон Мамажоновга берди. Бошқарув раиси барча ҳамшира ва шифокор аёлларни байрамлари билан чин дилдан қутлади. У ўз сўзида тадбирга ташриф буюрган партия фаолларига миннатдорчилигини билдирар экан, ўзи ва сиҳатгоҳ жамоаси «Миллий тикланиш» партияси ғояларига ҳамиша ҳурмати баланд эканлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Х. Мирзажонова, жумладан, шундай деди:

— Аёл — оламнинг кўрки. Авлодлар бардавомлиги ҳам аёл билан. Бугунги кунда, ҳар соҳада аёллар мавқеини мустаҳкамлаш учун ҳукуматимиз томонидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Партиямиз дастурида ҳам бу масалага алоҳида ўрин берилган. Партиямиз сафида изланувчан, ғайратли, фаол хотин–қизларнинг борлиги барчамизни қувонтиради.

Тадбир давомида ўтказилган «Мўъжизалар майдони» ўйини барча йиғилганларни хушнуд этди. Ўйин иштирокчилари орасида шу сиҳатгоҳга 25 йилдан буён келиб даволанаётган аёлнинг борлиги ҳам бу жамоанинг ўз мижозларига бераётган эътиборларининг намунасидир. Ўйин ғолибларига ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ж.Тошматова эсдалик совғаларини топширди.

Тадбир сўнгида партия Марказий кенгаши котиби, Ўзбекистон санъат арбоби Ортиқали Қозоқов сиҳатгоҳ жамоасининг партия аъзолигига қабул қилинган бир қатор ходимларига ЎзМТДП аъзолик гувоҳномаларини топширди.

Ўз мухбиримиз

● *Замон ва замин*

ЕРГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРДИ

Боғлар, узумзорлар билан бирга сабзавотчилик ҳам фермерлар ихтиёрига берилмоқда

Президентимизнинг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича Самарқанд вилоятида ҳам аллақачон амалий ишларга киришилган. Вилоят бўйича мева-сабзавотчилик ҳамда узумчиликка ихтисослашган 43 та ширкат хўжалиги тугатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари ташкил этиладиган бўлди. Жумладан, Тайлоқ туманида Амир Темур номли, «Соҳибкор», «Давлатобод», «Қўшчинор» сингари 10 та хўжаликни қайта ташкил этишга киришилди. Мақсад юқори иқтисодий самарадорликка эришиш, моддий манфаатдорликни ошириш, юртимизни боғу роғларга, узумзорларга буркаш, сабзвотчиликни жаҳон талаблари даражасидаги маҳсулотлар етиштирадиган ҳақиқий деҳқонларга топширишдан иборатдир.

Биз Тайлоқ туманида тендер ўтказилиши жараёни билан танишиш истагида бир нечта хўжаликларда бўлдик. «Боғизоғон» ширкат хўжалиги ҳисобида 460 гектар очиқ ер майдони 367 гектар токзор, 177 гектар боғ мавжуд эди. Очиқ экинзорлар бўйича 80 та лойиҳа тузилган бўлиб, фермер бўлиш истагидаги талабгорлардан аризалар қабул қилинмоқда. Ғолиблар очиқ тендерда аниқланади. Боғлар, узумзорлар эса 200 дан зиёд лойиҳа бўйича хариталаштирилган. Бу йўналиш бўйича ғолиблар ёпиқ тендер асосида сараланади.

Тендер комиссиясининг иши билан танишиб, жойлардаги аҳволни яқиндан ўргандик, танловга ариза берганлар билан суҳбатлашдик. Ширкат хўжаликларини ташкил этиш тендер комиссиясининг раиси, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Мусохон Тўраевдан тендерга хўжалик аъзоларининг муносабати қандай бўлаётганлигини сўрадик. Собиқ ширкат хўжалиги аъзоларидан икки нафари комиссия раиси билан гаплашиб турган экан.

— Бизлар бир умр хўжаликда меҳнат қилиб келдик,— деди улардан бири.— Ерни ер, боғни боғ қилганмиз, унинг ҳар қаричи, ҳар тупи қадрдон. Лекин аёл бошимиз билан фермер бўлмоқчи эмасмиз. Умримиз шу меҳнат билан ўтди, энди бизлар қаерда ишлашимиз керак?

Мусохон ака бу саволга ётиғи билан тушунтириб жавоб берди. Фермер хўжаликлари ташкил этилгач, собиқ ширкат хўжалигининг барча аъзолари уч кун ичида ишга қабул қилиниши, келгусида уларнинг меҳнат фаолиятлари ўзларининг ишчанликларига боғлиқ эканини айтди. Шу боис боғлар ва токзорлар тендерида фақат шу хўжаликда ишлаб келаётганлар қатнашишини, четдан даъвогарлар бўлмаслигини тушунтирди.

«Олмазор» хўжалигида бўлганимизда қизиқ бир ҳолатнинг устидан чиқиб қолдик. Бу ерда очиқ майдонлар бўйича 23 та лойиҳа, боғ-роғлар бўйича эса 204 та лойиҳа тайёрланган. Тендер комиссиясига раислик қилган туман фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Ражаббой Ибодуллаев, котиби — «Савдогарбанк» туман филиалининг бўлим бошлиғи Асқар Исрофилов, аъзолар фаол ишлашмоқда. Аҳоли ўртасида тушунтиришлар олиб борилмоқда. Биз гувоҳи бўлган воқеа эса ерга талабгорлар орасида мавжуд тартиб-қоидаларни тан олишни, ҳатто тушунишни ҳам истамайдиганларнинг учраб турганлиги билан боғлиқ.

Хўжаликнинг 1300 нафар аъзоси бор эди. Хўжалик аъзоларидан бири Раъно Зияева шу кунгача 2 гектар очиқ майдонда маҳсулот етиштириб келган. Ширкат тартибида иш юритиш тугатилди. Энди фермерликка ўтилмоқда. Р.Зияеванинг ери ёнидаги экинзорлар билан қўшилиб 23-лойиҳага тушган. Жами майдон 26,5 гектарни ташкил этмоқда. Собиқ ширкатчи ушбу лойиҳага даъвогар эмас, айни маҳалда ўзи ишлаб келган ерни бировга бермоқчи ҳам эмас! У кишининг талаби — очиқ майдондаги 2 гектар ерни ўз ихтиёрида олиб қолиш. Бу майдон ҳозирги талабларга кўра фермер хўжалиги ташкил этиш учун кичиклик қилади. Боғ, узумзор барпо этиш учун эса режалаштирилмаган. Яна бир гап...

Бу гап тугатилаётган ширкат хўжаликлари ҳисобидаги молмулк, биноларнинг сотилиши билан боғлиқ. Очиқ гапки, хусусийлаштириш бошлангандан буён ютуқлар соясида нуқсонлар ҳам авж олиб келди. Ўтиш даври тажрибасизликларидан устамонлик билан фойдаланишни ўзлаштириб олганлар сотиб олиб, яна қайта сотишни касбга айлантириб олишди. Уларнинг касрига қолиб қанчаданқанча халқ мулки елга совурилди. Чорвачилик фермалари тагтуги билан йўқолиб кетди. Улкан иншоотлардан асар ҳам қолмади. Кўчмас мулкларни баҳоловчи, ким ошди савдосига қўювчи идоралардаги хуфёна келишувчиликлар сабаб бўлиб қанча бинолар паст баҳоларга нархланиб, бузилиб, сўнгра бозорларда сотилиб кетмади дейсиз.

«Ҳечдан кўра кеч яхши», деган гап бор. Энди тугатилаётган хўжаликлар мол-мулкини, иншоотларини сотишда ёки ҳисобдан ҳисобга ўтказишда аввал йўл қўйилган хатоларнинг такрорланмаслиги муҳимдир. Афсуски, талон-тарожликлар ҳамон давом этиб келмоқда. Собиқ «Боғизоғон» ширкат хўжалигининг меҳмонхонаси паст нархда баҳоланиб, сотилаётганидан кўпчилик норози. Пишиқ ғиштдан бўлган бинонинг хом ғиштдан тикланган, деб ҳужжатлаштирилиши халқ мулки қийматининг ерга урилишидан далолат эмасми? Бундай мисоллар эса кўп.

Хуллас, ҳеч замонда янгилик ҳаётга хатоларсиз кириб келмаган. Бироқ боғдорчиликни, узумчиликни, сабзавотчиликни фермерлаштириш биз учун янгилик эмас. Пахтачилик, ғаллачилик хўжаликларида ҳам боғлар, узумзорлар, сабзавотчилик учун ажратилган майдонлар мавжуд эди. У ерлар аллақачон ўз эгаларини топган. Тўплаган тажрибаларимиз эса энди хаталарга йўл қўйилмаслигига кафолат бўлсин.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» махсус мухбири

КИМ НИМА ДЕДИ?

— Сиёсий партияга аъзолик ихтиёрий иш, лекин аъзо бўлдингми, буйруқни бажариш — интизом, бурч!

Заҳро РАҲМАТОВА,
профессор

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!

Кўклам кўнгилларни уйғотиб келади. Ёшу қари бирдек кутади бу фаслни. Бу кўҳна дунё шу фаслда ёшариб, яшнаб кетади. Баҳор яшаш, яшнаш фасли. Шу маънода Аёл ҳам борлиқнинг яшнатувчиси. Ҳаётнинг бардавомлиги ҳам шу хилқат туфайлидир. Аёллар байрами айнан Баҳорда нишонланиши ҳам бу икки мўъжизакор кучнинг ҳамиша уйғунлигидан далолатдир.

Бугун юртимизда гўзал айём. Байрамларнинг суюклиси, суюклиларнинг айёмлари нишонланадиган кун. Асли аёлларнинг умримизда борлиги байрам, уларнинг мавжудлиги — дунёнинг бахти. Миллий тикланишчилар сафида зиёли, фаол аёлларимизнинг кўплиги ҳам дилларимизни хушнуд этади, қалбларимизни фахрга тўлдиради.

Улуғ айём билан барча аёлларни самимий муборакбод этамиз. Хонадонларимизнинг кўрки, ҳаётимизни, умримизни меҳр-муҳаббат, қалб қўрлари билан безаб турган онажонларимиз, опа-сингилларимиз доимо омон бўлишсин. Юракларимизга, умримизга ҳамиша нурафшонлик бахш этиб тургувчи юзларидан табассум аримасин!

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши

САФДОШЛАРИМИЗ

Бугун Наманган вилоятида юрт ободлиги йўлида улкан ишлар амалга ошириляпти.

Замонавий ўқув даргоҳлари — академик лицейлар, мактаблар, спорт иншоотлари, маданий-маиший бинолар, хиёбонлар барпо этилмоқда. Кўчаларимиз реконструкция қилиниб, кенг ва ёруғ йўлларга айлантирилмоқда. Қаёққа қараманг, халқимизнинг қайноқ меҳнат қучоғида яшаётганига, улкан бунёдкорлик ишлари билан банд эканига гувоҳ бўласиз. Бундай эзгу ишларга «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзолари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Айниқса, 8 мингдан ортиқ партия аъзоларининг ярмини ташкил этган аёлларимиз бу ишларни амалга оширишда барчага ўрнак бўлмоқдалар. Вилоят партия кенгаши ҳам ўз фаолиятида хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларни турли жамоат ишлари, тадбирларга кенг жалб қилиш ҳамда ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ бўлган ишларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш мақсадида вилоят партия кенгаши қошида унга фаол аёлларни жалб қилган "Аёллар қаноти" ташкил этилган. Аниқ мақсад, вазифаларига ва белгиланган иш режасига эга бўлган "Аёллар қаноти" вилоят партия ташкилотлари ўртасида кун сайин ўз мавқеи ва ўрнини топиб бормоқда.

Асосий эътиборни уйда ўтирган аёллар, уй бекаларига қаратмоқдамиз. Шу мақсадда фаол ишлаётган раҳбар аёлларимизни уйда ўтирган ишсиз хотин–қизларга бириктириб қўйганмиз. Жойларда, маҳаллаларда олиб борилган суҳбатлар ва ўтказган тадбирларимизда аёлларимизнинг нафақат оқила уй бекаси экани, балки уларнинг дунёқарашлари, фикрлаш доираларининг кенглиги, ижтимоий-сиёсий фаолликлари ҳам юқори эканига гувоҳ бўлмоқдамиз. Аёлларимиз оилада, ишда, жамоат ишларида ҳам барчага ўрнак бўла олишини тадбирларимизда, бажарилаётган ишлар мисолида кўраяпмиз.

Ўзининг ҳаё-ибоси, латофати, меҳнатсеварлиги, касби ва оиласига садоқатлилиги, Она Ватанга бўлган чексиз меҳр–муҳаббати билан аёлларимиз ҳар томонлама бахтли бўлишга лойиқ ва ҳақлидир. Munис аёлларимиз ҳаётда ўз ўрнини, бахтини топсин. Барча онахонларимизни, опа-сингилларимиз, munис ва дилбар аёлларимизни кириб келаётган 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан самимий табриклаймиз ҳамда уларнинг келгуси ишларида улкан зафарлар, оилавий бахт-саодат тилаймиз.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз онахонлар, munис опа-сингиллар!

Соҳиба ФАХРИТДИНОВА,
ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши мутахассиси

Миллий тикланишт — миллат келажаги
MILLIY TIKLANISH

***

Асли бир жуфт ширин сўз айтмоқлик ҳам бахт эрур,
Озори дил шахтингдан қайтмоқлик ҳам бахт эрур.
Ҳар тонг тирик уйғониб, қуёш ёнса кўзингда
Бир кафт сувни бемалол ютмоқлик ҳам бахт эрур.

Тўлқин каби тошса ёр, ташлаб кетса бепарво,
Остонангда уни зор кутмоқлик ҳам бахт эрур.
Тунлар туриб, ёлвориб, севдим демоқ шарт эмас
Бир табассум, бир жилва, боқмоқлик ҳам бахт эрур.

Кимдир сени соғиниб ёмғир бўлиб тўкилса,
Эшигини шамолдай қоқмоқлик ҳам бахт эрур.
Отанг бўлса дуогўй, онангчи, балогардон,
Этакларин кўзингга суртмоқлик ҳам бахт эрур.

Ўғлинг шайдир хизматга, қизинг турса жилмайиб,
Улар учун яшаб гир ўтмоқлик ҳам бахт эрур.
Сиринг айтсанг ўртаниб, бориб сотса ғанимга,
Хоин дўстнинг баҳридан кечмоқлик ҳам бахт эрур.

Ўраб қолса мушкулот, тушиб қолсанг тўрига,
Шу тугунни шу бугун ечмоқлик ҳам бахт эрур.
Дунё топсанг беҳисоб, дарё каби тошса гар,
Бир ирмоғин ночорга очмоқлик ҳам бахт эрур.

Таъқиб қилса туну кун, қувса нафснинг балоси,
У нобакор дастидан қочмоқлик ҳам бахт эрур.
Муз парчадир ўзга юрт, гарчи парқу тўшаги,
Ўз тупроғинг тошида ётмоқлик ҳам бахт эрур.

Фарида Афрўз

Шеърлар ёзсанг тўлғониб, ошиқ етса додингга,
Ойдек кўнгил уфқига ботмоқлик ҳам бахт эрур.
Кўкламдан то кузгача жон тер тўксанг заминга,
Ўз қўлинг-ла ҳосилинг ўрмоқлик ҳам бахт эрур.

Миниб орзу тулпорин, қамчи боссанг шаҳдингга,
Ниятларинг тўйини кўрмоқлик ҳам бахт эрур.
Фарид Афрўз разм сол, чор тарафдан оқар бахт,
Ўз бахтингни ўзинг тан олмоқлик ҳам бахт эрур.

Оллоҳ ўзи билгувчи — нима бахту нима нақд,
Нақд умрингда ўзингда қолмоқлик ҳам бахт эрур.

Муаттар ҳаволар оғушида

Баҳор — табиат келинчаги. Шоир сўзи билан айтганда:

«Гул-ғунчалар нозида, эрка қушлар созида,
Ирмоқлар овозида оҳанрабо, сеҳр бор,
Юз силаган саболар, таралган шўх наволар,
Муаттар бўй ҳаволар оғушида меҳр бор».

Баҳорнинг келинчакка қиёсланиши билан Аёлларимиз байрами — 8 Мартни баҳорнинг илк ойида нишонланишида муштараклик мужассам. Зеро, аёл борки, турмушимиз баҳорли. Аёл борки, оилалар меҳр кони. Аёл борки, инсоният барқарор.

Аёлнинг гулга ўхшатилиши ҳам бежиз эмас.

Баҳор турфа гуллари билан оламни яшнатса, гўзалликка буркаса, Аёл латофати, садоқати, меҳри ила ҳаётни чароғон айлайди. Шундай экан, Баҳор байрами барчамизга қутлуғ бўлиб, гул каби очилиб, лабимиздан табассум аримасин. Доимо баҳордек яшнаб, турмушимизни гулга буркаб юраверайлик. Байрам барчамизнинг эзгу тилакларимиз юз очишининг дебочаси бўлсин. Айёмингиз қутлуғ бўлсин, азизаларим!

Умида Файзиева

Онанинг ўз фарзанди қошида бир тун мижжа қоқмай чиққанини фарзанд етмиш йил бедор бўлатуриб ҳам уза олмагай.

***

Ўзига оро бериб, ораста бўлиб юрмоқлик, кишиларга бенуқсон кўринмоқлик савобдандир, сен замондан ортда қолувчи ҳам бўлма, урф-одат бўйича кийиниб, кўпчилик муслималар тутган тариқат йўлини тут. Ўзига оро бериб юрган бокира аёл мўминлик паранжиси ичра бадхулқ ва зинокор аёлдан кўра Аллоҳга суюмлидир. Ҳамиша савоб дилнинг тўғрилиги ва савоб китобининг оғирлигидадир.

Хосият Рустамова

***

Ойнага урилар ёмғир бетиним —
Йўлидан ҳавони адаштирар куй.
Стулда Сиз ечиб қолдирган кийим,
Ва ҳали тартибга солинмаган уй.
Уюлиб ётибди —
китоб, шеър, қалам.
Чанг босган гулларим
таратар ифор.
Ташқаридан кўра шу ҳолида ҳам —
Менинг уйимдаги
ҳаёт бахтиёр.
Боғлар аразлаган.
Нари кетган дашт,
Аммо, ёғаверар ёмғир бетиним.
Менинг муҳаббатим билан аралаш —
Стулда Сиз ечиб қолдирган кийим.

Қадамингиз етган жой БАҲОР

Баҳор байрами, аёллар байрами муборак бўлсин!

Гўзал қизларимиз, аёлларимиз фаришталари, сариштали бўлиб юрсинлар. Аёллар — оила осмонининг моҳидирларки, юпанч бўлиб юрсинлар. Оилада тотувлик, хотиржамлик ҳукмрон бўлса омад, муваффақиятнинг ўзи кириб келаверади.

8 март байрамини бу йил оилада қўшалоқ байрам сифатида нишонлаймиз худо хоҳласа. Негаки, мустақиллигимизнинг 13 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг юксак мукофоти — "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. Буни, аввало, катта масъулият, юксак ишонч, қилинажак ишларга рағбат, деб биламан. Мукофот жамоамга, оиламизга қувонч, хурсандчилик ҳадя этди. Хотин-қизларимиз ҳаётда севиб-севилиб, бахти бекам бўлиб юрсинлар. Байрам кайфияти оилаларимизни тарк этмасин.

АЁЛ ҚАЛБИ ОЗОР БИЛМАСИН

улар билан кўнгиллар чароғон.

Лолақизғалдоқ янглиғ кўркли, аммо нафислигидан тез тўкилмоққа мойил аёл қалби озор билмасин, улар ҳар доим асраб-авайланишга муҳтож.

Эркакларимиз ёнимизда тиргак, суянч,

Маҳсара Назарова

Аёллар қора кўйлак киймоққа, қора рўмол ўрамоққа ружу қилмасинлар, очиқ рангли уст-бош одатда шодлик чақиргай. Баъзан тўла аёллар қора кийсалар ҳам, уни зар билан безаб ёки мунчоқ, тўғноғич тақиб кийсинлар. Бундай либос ғам чақирмагай, тимқора либос ғам чақиргувчидир.

***

Аёл киши дастурхонини латиф ва гўзал қилсин. Пиширган таомларига меҳр нурини қўшсин. Шунда кўпчилик иззатини қозонгай. Ҳафтада бир меҳмон чақирмоқлик ёки меҳмонга бормоқлик, ёр-дўстлар ҳолидан хабар олмоқлик дастурхонлилик, меҳмондўстлик белгисидир.

Лолақизғалдоқ. Баҳорнинг энг нафис, энг мискин чечаги. Майин елларнинг нафасига-да титраб турадиган, қўл тегса тўкилиб кетадигандек мунис гул. Баҳорнинг чечаклари, у чечакларнинг ифорлари–да турфа. Ҳаммаси бир-биридан сулув, бир-биридан суюмли. Лолақизғалдоқ эса... ҳаммасидан ўзгача.

Элимизнинг суюмли шоири Муҳаммад Юсуфнинг шеърларида ҳам лолақизғалдоқнинг таърифлари бошқача эди. Айниқса «Лолақизғалдоқ»-да. Наздимизда «Лолақизғалдоқ» ўзбек аёлига берилган энг муносиб таъриф. Шу чечакдек мунис, мулойим, шу чечакдек нафис, хокисор ўзбек аёлларига.

«Лолақизғалдоқ» юртнинг оташқалб шоири, чин ўғлони Шавкат Раҳмон хотирасига ёзилган. Не тонгки, шеърда битилмиш қисмат ўз муаллифининг-да тақдирида бор экан. Нима бўлганда ҳам, бу шеър аёл ҳақида ёзилган, аёл шаънига айтилган таърифларнинг энг самимийси, назаримизда.

Бугун байрам. Гарчи озроқ маҳзундек туюлсада, бу шеърни барча онажонларимиз, опа-сингилларимиз, ўзбекнинг икки асл фарзандларининг аҳли аёлларига байрам кунида туҳфа этмоқ истадик.

Бошқаларга қандай билмадиму 8 март деганда кўз олдимда оналар, меҳрибон онам қиёфаси жонланади. Афсуски, онажоним бу йилги баҳор байрамига етиб келолмадилар. Илоё, охиратлари обод бўлсин. Бу кунга етиб келолмаган барча оналаримиз, аёлларимиз ҳаққи-ҳурмати юртимизнинг сочлари оппоқ мунис оналари, меҳнаткаш, очиққўнгил, андишали опа-сингилларимиз омон бўлсинлар.

Айниқса, ҳамкасб дугоналаримга, тенгдошларимга, бирга ишлайдиган барча қизларимизга журналистикадек мураккаб соҳада дадил фаолият юритаётганлари учун алоҳида раҳмат демоқчиман. Аёл киши учун ҳам оилани, ҳам қаламни тебратиш — журналистнинг машаққатли нонини ейиш осон эмас.

Гулғоҳра УМАРОВА

Аёлга бахт беринг!

Қанчадан-қанча турмуш ташвишлари, фарзандларнинг борди-келдилари, ишдаги гап-сўзлардан устун туриб, бирор сатрни оқ қоғозга қоралаб, кимгадир маъқул қилдира олаётган экан, ўша журналист аёлга тасанно бўлсин.

Ўз навбатида эркакларимиз аёллардаги ижодга иштиёқни, интилишни қўллаб-қувватлаб турсинлар. Озгина бағрикенглик зиён қилмайди. Аслида аёлга кўп нарса керак эмас. Бир оғиз ширин сўз, пичагина рағбат, саломатлик ва оилавий хотиржамлик бўлса бас.

Баҳор билан кириб келган беғуборлик ҳаммамизнинг қалбимизга ҳам тозариш, янгиланиш, меҳр-муҳаббат, мурувват, қадр-қиммат олиб кирсин.

Гўзал арафа

Манзура Шамс

Ўзбеклар — тўйсевар, байрамсевар халқ. Тинч элга байрамлар ярашади, тўйлар ярашади. Болалигимдан негадир арафа кунларини яхши кўрардим. ҳамма ёқда ўзгариш бўлиб кетган, тозаланган, яшнаб кетган жойни ҳозиргача яхши кўраман.

Байрам бир кун. Арафа ҳар кун. Ҳозирдан баҳорнинг тафти, арафаси сезилаяпти. Худди она заминнинг нафасини ҳис қилаётгандекман. Куртаклари бўртиб қолган дарахтларга қараб ёруғ кунларнинг ифорини сезаяпман. Менимча, одамларнинг кайфиятида ҳам ажиб иликлик бор. Ҳамма бир-бирини қутлагиси келаётгандек... Балки, бу ўзимнинг кайфиятимдир. Орзуларимга орзулар қўшилаётган ёрқин кунларимнинг ифодасидир булар.

Баҳор бошланаверса, болалигимга қайтгим келаверади. Ҳар баҳор "Ўткан кунлар"ни қайта ўқийман. Ҳар баҳор соғинаман Кумушбибини...

Ҳовлимиз, боғимиз чунонам яшнаб кетардики... Бир гала қиз ялпиз (бизда пидана дейишади) теришга чиқардик. Онам пиширадиган кўк сомсалар... ҳис қилаяпман, ҳозир ҳам уйимизда баҳорий ташвишлар бошланган, онам сумалакка буғдой ҳозирлаб қўйгандир... Бизда баҳор шундай бошланади, байрамнинг келишидай, арафанинг бошланиши гўзал.

Барча юртдошларимизга байрамлар фасли муборак бўлсин. Кўнгилларни баҳорий тароват ва меҳр-муҳаббат тарк этмасин. Илойим, тўйлар кўп бўлсин, байрамлар кўп бўлсин!

***

Ўзини бадавлат, сахий кўрсатиб
Бошимдан тиллолар сочса ҳамки куз,
Чарчаган руҳимга ором бағишлаб,
Сирдошдай бағрини очса ҳамки куз,
Кўнмадим унинг бу илтифотига,
Унга бир рағбатни сезмади кўнглим.
Севгингиз юракни забт этган фасл —
Баҳорга хиёнат қилмадим, бегим...

***

Тарновларнинг кўз ёшларидан
Белигача шўрлади девор,
Сўнгги умидини юлди теракдан
Ачинмай изғирин шамоллар беор.

Оҳиста бош чайқаб юпатиб қўйди
Уни кўпни кўрган сада — тақводор.
Ялангоч қўлларин чўзиб фалакка
Толлар ёлворади: «Келақол, баҳор!»

Асолат Аҳмадқул қизи

Башорат Отажонова

Пахса девор...
Тор йўлак...
Икки туп кекса ўрик...
Мажнунтолнинг шохида
Қолган бизнинг болалик.

Қизғалдоқли далалар,
Гўзал эди, кенг эди.
Икки қарич бўйимиз
Осмонларга тенг эди.
Борса келмас йўлларга
Кетиб қолди хаёллар,
Бизнинг шўхлигимизни
Ўғирлади шамоллар.

Бизга бошпана эди
Чўлариқнинг бўйлари,
Бирам мароқли эди
Шўртепанинг тўйлари.

Фарғонанинг йўлига
Тўкилди-ей тилаклар,
Муродига етмади
Бувим айтган эртаклар.

Қизғалдоқли далалар
Гўзал эди, кенг эди,
Икки қарич бўйимиз
Дунёларга тенг эди...

ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ

Шавкат Раҳмон хотирасига

Хаста шоирига
видо айтишиб.
Бор, менинг учун ҳам
Уларга қўл қоқ —
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Уларни мен яна
Кўрарманми-а,
Айвондан одамдек
Кузатолмадим.
Куз. Тўйлар бошланди.
Юрагим пора —
Битта қизимни ҳам
Узатолмадим...
Демак, тақдир экан
Тўй кўрмай ўлмоқ,
Лола, лолагинам,
Лолақизғалдоқ.

Бироқ, кўнглим сезар,
Мендан кейин ҳам,
Бир кун бу ҳовлига
Одам тўлади.
Ҳали тўйлар қилиб
Чарчайсан, эркам,
Менинг қизларим
Энг бахтли бўлади!
Келинлар кўйлаги
Руҳимдай оппоқ —
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Ўғлим, яқинроқ кел,
Қара, не савдо,
Бу ажиб ишларни
Дил лавҳига ёз:
Кимга қаср ётмас,
Кимга мол-дунё

Менга эса ҲАВО
Етмайди холос.
Тириклар мудроқда,
Ўликлар уйғоқ —
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Кўксим куйиб борар,
Кўкрак ёнмоқда,
Айтинг дўхтирларга,
Ёришса ёрсин!
Жисм ўз улфати —
Жондан тонмоқда.
Бечора жон энди
Қаерга борсин.
Энди осмон йироқ
Энди ер юмшоқ
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Буни ҳаёт дерлар,
Унутма асло,
Бир кун очиласан,
Бир кун сўласан.
Қалбимда-ку фақат
Сен эдинг танҳо,
Қабрим устида ҳам
Ўзинг бўласан.
Сен бизнинг севгидан
Хотира — байроқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Аёл қалбинг билан
Сув кеч, олов кеч,
Ғам келса бошингдан
Ҳушинг учмасин.

Ҳудодан сўрадим:
Мендан кейин ҳеч,
Номард кимсаларга
Ишинг тушмасин.
Уларнинг қўлида
Ҳамиша тузоқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Ишинг тушса, иним,
Муҳаммадга бор,
Шоирлар ичида
Ишонганим шу.
Бироз ичишини
Айтмаса агар,
Кўкси тиниқ бола,
Ҳалол бола у.
Фақат сал соддароқ,
Фақат сал ёшроқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Жон сўнгги бошпана
Топаркан онгда,
У юрак остида
Дердим мен бўлсам.
Ажабланма агар
Эртага тонгда
Сени ўпиб, Ўшни
Қучоқлаб ўлсам!...
Ўтинчим — тепамда
Йиғлама узоқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!

Муҳаммад ЮСУФ

ЭЛ СОҒЛИГИ — ОЛИЙ МАҚСАД

Юртимизда ҳар бир йилни маълум номлар билан аташ анъанага айланиб қолди. Президентимизнинг бу ташаббуслари халқимизнинг қон-қонида мавжуд қадриятларни яна бир карра рўёбга чиқариш, бу ташаббусни йил давомида ва кейинги йилларда давом эттиришга қаратилган. Ўтган 2005 йилнинг республикамизда «Сиҳат-саломатлик йили» деб номланиши юртдошларимизнинг соғлигини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор бериши билан боғлиқ бўлди. Бу масалада вилоятларда, туманларда самарали ишлар бажарилди.

Чортоқ туманида 155 минг киши истиқомат қилади. Шунча аҳоли яшайдиган ҳудудда соғлиқни сақлаш масалалари қандай йўлга қўйилган? Туман марказий поликлиникаси «Сиҳат-саломатлик йили»ни қандай якунлашди? Бошланган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»даги режалари, умуман, ютуқ ва муаммолар тўғрисида Болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза этиш бўлими мудири, олий тоифали педиатр Ўктам Усмонов билан мулоқотда бўлдик.

— Ўктам ака, шифохонада сиз бошқараётган бўлим фаолияти ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялаш асосий мақсадимиз. Шифокорларимиз маҳаллаларда, мактаб ва корхоналарда бўлишиб, «Соғлом турмуш тарзи», «Саломатлик — туман бойлик» мавзуларида учрашувлар ташкил қилишган. Албатта, зерикарли суҳбатлар тарзида эмас. Бундай учрашувларни ўтказишга аҳолининг ҳам рағбати ошиб бораяпти. Репродуктив саломатликни тўғри ташкил этиш учун қишлоқ врачлик амбулаторияларида барча шароитлар яратилган. Камқонлик ва йод етишмаслигининг, умуман, касалликларнинг олдини олиш мақсадида жойларда тиббий кўриклар ташкил этилди. Эмлаш ва профилактика ишларидан ҳеч кимни назардан четда қолдирмасликка эришмоқдамиз. Ўзингизга маълумки, касалликни даволашдан кўра олдини олиш ҳам жамиятга, ҳам фуқарога фойда.

— Гёте «Инсон умри фақат байрам ва шодликлардан иборат бўлганида эди, дунёдаги ҳеч бир тилда ўлим ва касаллик деган сўзга изоҳ қолмасди», деган экан...

— Иссиқ жоннинг иситмаси бўлади, дейдилар-ку. Албатта, юз фоиз саломатликка эришиш қийин. Туманимизда 63335 нафар 16 ёшгача бўлган болалар истиқомат қилади. Улардан 957 нафарини туғма ногирон болалар ташкил этади. Улар шифокорларимизнинг эътиборидан ҳеч қачон четда қолишмайди. Ўтган «Сиҳат-саломатлик йили» дастури лойиҳаси билан улар стационар шароитда, амбулаторияларда, уй шароитида, сиҳатгоҳларда доимий даволанишди.

— Умуман, касалликнинг олдини олиш учун нима қилиш лозим?

— Яхши маънодаги худбинлик билан эришиш мумкин. Демоқчиманки, инсоннинг ўзига боғлиқ саломатлигини асраш. Кўп жиҳатдан биз — шифокорларга ҳам боғлиқ. Яъни никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, улар билан тушунтириш ишлари олиб бориш, профилактика ишларини тўғри йўлга қўйиш...

— Шифокор билим ва малакадан ташқари яна қандай хусусиятга эга бўлмоғи керак, деб ўйлайсиз..

— Менимча, замонавий тиббий ускуналар билан тиллаша олиш малакаси керак. Бу фикрга келганимнинг сабаби йилдан йил янгича ускуналар олиб келинаяпти. Масалан, бизнинг шифохонамизга янги УЗИД, диагностик аппаратлар келтирилди. Шифокорларимизни кенг тармоққа ихтисослаштириш учун Тошкент Тиббиёт Академиясига, Андижон Давлат тиббиёт институтига малака ошириш учун ўқишга йўлланма берилди.

— Тиббиёт соҳасини ривожлантириш яна қандай омилларга боғлиқ?

— Менимча, ҳамма соҳанинг ҳам ривожланишида ташаббускорликнинг аҳамияти чексиз. Чунки ташаббус бор жойда самарадорлик бўлади. Мана, «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили бошланганига оз вақт бўлган бўлса-да, юртимизда ҳомийларнинг ишлари кўзга кўриниб қолди. Бу ишларда шифокорларнинг ҳиссаси ҳомийларникидан кам эмас.

Бизнинг ҳам шифохонамизга олий тоифали терапевт Алижон Мақсудов бош шифокор этиб тайинланди. У кишининг тажрибалари, ташаббускорликлари боис, шифохонадаги силжишлар кўзга ташланиб қолди. Вилоятда биринчилардан бўлиб бизнинг шифохонамиз "Осиё тикланиш ва тараққиёт банки"нинг "Саломатлик-2" дастури грантига сазовор бўлди. Дастур тасарруфидаги ишлар бошлаб юборилди. Унга кўра шифо масканининг бошланғич бўғинлари, тармоқ шифо масканлари, қишлоқ врачлик пунктларига кўпроқ эътибор қаратилиб, янги тиббий ускуналар билан жиҳозланади.

— Келгусидаги мақсад ва режалар ҳақида ҳам гапирсангиз.

— Мақсадим жамоа мақсадларига муштарак. Халқимизга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, ғамхўрлик ва имтиёзларга самимий хизмат билан жавоб қайтариш. Ҳамма соғлом бўлиб, бир киши бемор бўлса ҳам, биз — шифокорларга ором татимайди. Ҳар бир хастадил одам бизнинг эътибор ва ғамхўрлигимиз туфайли шифо топса, уйда ҳам, ишда ҳам хотиржам бўла оламиз. Инсон учун муҳими ҳам шу — иш, оила ва кўнгил хотиржамлиги.



Ҳайитали ХОЛМИРЗАЕВ суҳбатлашди

ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ ТАРИХИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институти, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент Давлат аграр университети ҳамкорлигида академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихи» Республика илмий семинарининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда ўқув юртларидан келган етакчи ва ёш тарихчи олимлар қатнашган ушбу семинарда "Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар" мавзуси кенг ва атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице президенти, профессор Т.Мирзаев, Тошкент Давлат аграр университети ректори, профессор Х.Кимсанбоевларнинг кириш сўзлари билан бошланган семинарда олимлардан академик А.Муҳаммаджонов, профессор Н.Мусаев, Г.Самадов, тарих фанлари номзоди А.Анорбоевларнинг маърузалари тингланди. Шунингдек, семинарда қишлоқ хўжалик соҳалари олимлари ва мутахассисларининг ҳам ўз соҳалари тарихини акс эттирувчи мақолалари тақдим этилди. Семинарда кўриб чиқилган масалалар юзасидан қайд этилган илмий қарашлар ва хулосалар илмий тадқиқот ҳамда ўқув жараёнларида эътиборга олиниши тавсия қилинди. Мунозараларда деҳқончилик маданияти, аграр соҳа тармоқлари тарихини ўрганиш ва уларни янада кенгроқ ёритиш кераклиги, бу соҳани ўрганишга бағишланган семинарларни мунтазам ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди ва уларнинг асрлар мобайнида тарихимизда тўпланган тажрибаларни, аграр соҳадаги ютуқларни умумлаштиришда, миллий қадриятларимизни тиклаш ва авлодларга етказишдаги аҳамиятига эътибор қаратилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ, доцент

ДЎСТИМГА

(Бадиа)

Юрагим бўм-бўш...

Кечагина "ҳақиқий дўстим" деб билган инсоннинг "самимий" сўзларидан вужудимга сиғмаган шодлик бугун ҳақиқатни англади-ю, танамни тарк этди.

Дўстим, кечагина бу ёруғ оламда сендан кўра яқинроқ, сенданда ҳамдардроқ инсон йўқ эди, билсанг. Йўқ, мен сени душманим дейишдан бутунлай йироқман. Чунки, сенинг ичингда ҳалиям менга бўлган қутиб, сениям, "ўшалар"ни ҳам "душманим" деб атайман. Лекин орадан кўп ўтмай, бунга бутунлай тескари ҳаракатингни кўриб, "дўстим" деган хулосага келаман. Айбни ўзимдан ахтаришга тушаман.

Балки, ҳақиқатан ҳам айб ўзимдадир. Балки, чинданда дўстлик шу тахлит белгиланар. Балки, мен бу нарсаларни тушуниб етишга қодир эмасдирман.

Балки, дўстим, сен менинг манфаатимни кўзлаб, ўзингни юнчаклигинг, менга бўлган самимийлигинг йўқолмаган. Ҳали ҳам менга, ҳаётимга, ғам-ташвишимга бефарқ эмаслигингни сезаман.

Аммо ич-ичингдан мана шу туйғуларингни енгиб, гоҳи-гоҳида ғолиблик минбарига чиқиб оладиган яна бир хислатинг борки, буни ҳатто қандай номлашни ўзим ҳам билмайман.

Хасислик дейинми, қўролмаслик дейинми? Йўқ, мени кечиргину буларни сенга қўллай олмайман. Баъзан менга жонингни ҳам беришга тайёр бўлиб турасан.Баъзан менинг омадимдан, менинг бахтимдан шундай қувонасанки, ташқи кўринишингдан ҳам буни кўриб, икки ҳисса қувонаман. Шу дақиқаларда сени "қўролмайди" деган фикр миямга келганидан ўзим уяламан. Баъзида ўзинг ҳам билмаган ҳолда, бошқаларга қўшилиб юзимга лой чаплашга, орқаворотдан "қоралашга" киришиб кетасанки, буни эшитиб, ўзимдан ҳам "ўшалар"ни ҳам "душманим" деб атайман. Лекин орадан кўп ўтмай, бунга бутунлай тескари ҳаракатингни кўриб, "дўстим" деган хулосага келаман. Айбни ўзимдан ахтаришга тушаман.

Балки, ҳақиқатан ҳам айб ўзимдадир. Балки, чинданда дўстлик шу тахлит белгиланар. Балки, мен бу нарсаларни тушуниб етишга қодир эмасдирман.

Балки, дўстим, сен менинг манфаатимни кўзлаб, ўзингни шундай тутарсан. Унда, нега баъзида мен эътиборда бўлганимда, мен қилган эзгу ишлардан бошқалар қувониб, офаринлар, мақтовлар айтганида ўзингни четга оласан?

Билиб-билмай қилган хулосаларим учун мени кечир. Аммо, сен қилган ҳаракатдан, сен гапирган гаплардан дилим қаттиқ оғрийди. Мен бунчалик сени айбламаган, сендан дилим ғашланмаган бўларди, ҳолбуки, сенга нисбатан юрагим топ-тоза.

Алам қилгани, мен сени доимо яқин одамим деб ўйлаганимдек, сен ҳеч қачон буларни юзимгаям, ўзимгаям айтмайсан, айтолмайсан?

Нега бу нарсаларни анча кеч, бировлардан эшитиб дилим оғриди?

Дўстим, менга ёрдам бер, у ёки бу хулосам устунлигини билишга, сен тўғрингда ҳақиқатни англашга...

Бобомурод ОДИЛОВ

Шу кунларда олий таълим муассасаларининг талабалари учун жаҳон иқтисодиёти бўйича рус тилида ёзилган ўқув қўлланмаси — "Мировая экономика" китоби босмадан чиқди. Китоб Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академияси Тошкент шаҳри Филиалида бир гуруҳ мутахассис-олимлар томонидан тайёрланиб, "Ўқитувчи" нашриёт – матбаа ижодий уйида чоп этилган. Муаллифлар Қ.Абдурахмонов, Ю.Додобаев, О.Аҳмедов, О.Абдураҳмоновлар ушбу ўқув қўлланмани Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган "Жаҳон иқтисодиёти" курси дастурига мувофиқ тарзда ёзганлар.

ДОЛЗАРБ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Китобнинг кириш қисмида таъкидланганидек, "Жаҳон иқтисодиёти" фани умуман ягона тизим сифатидаги жаҳон хўжалиги ҳақида, унинг айрим мамлакатлари ва минтақаларининг иқтисодиёти тўғрисида, шунингдек, жаҳон иқтисодиётининг институциявий тузилиши хусусида, фаолият юритиши ва ривожланишнинг қонуниятлари ҳақида билим асосларини баён қилади. Умумтаълим иқтисодий фан бўлмиш "Жаҳон иқтисодиёти" курси дунё ҳамжамиятининг иқтисодий ҳаётидаги асосий жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганади ва тушунтиради, хўжалик соҳасидаги жаҳон ривожининг асосий тенденцияларини тушуниб олишга кўмаклашади, уларнинг сабаблари ва табиатини таърифлаб беради. Китобда алоҳида қайд этилишича, ушбу курсни ўзлаштириш ҳозирги халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий йўналишларини англаб олиш учун, миллий иқтисодий сиёсат ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар қўлланадиган халқаро стратегиянинг жаҳон ҳаётида мавжуд бўлган реалликларга мос келтирилиши учун замин яратади.

Шу жиҳатлардан олиб қараганда, мазкур ўқув қўлланма олий таълим муассасалари талабаларига ва албатта, ушбу соҳага ихтисослашган педагог-олимларга жуда керакли, мавзуси ва қамрови жиҳатидан эса ҳозирча бизда илк асарлар сирасига киритса бўладиган ғоят долзарб китоб эканлиги шубҳасиздир. Унда ҳозирги жаҳон иқтисодиёти шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари ва тенденциялари мантиқан асослаб, изчил равишда очиб берилган. Ўқув материали доирасида юксак ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек, бозор ислоҳотларини амалга ошираётган давлатлар иқтисодий ривожланишининг асосий хусусиятлари ҳам кенг кўрсатиб берилган.

Жами 414 саҳифали ушбу китоб кириш қисми ва еттита бўлимдан иборат қилиб тузилган. Ҳар бир бўлимда мавзуларга оид материал алоҳида маърузалар матнлари тарзида жойлаштирилган. Китобнинг охирида "Глоссарий", яъни иқтисодий атамалар, иборалар, тушунчалар изоҳли луғати, тавсия этиладиган адабиётлар, шунингдек ахборот-техникавий воситалар рўйхати берилган.

Ана шундай аҳамиятли ўқув қўлланмаси нашр этилганлигини чинакам муҳим ва қувонарли воқеа, деб баҳолаймиз ва уни нафақат бўлажак иқтисодчи талабалар, балки кўпдан-кўп иқтисодчи-мутахассисларимиз, шу жумладан, ихтисослашган педагог-олимлар, амалиётчилар, тадбиркорлар, менежерлар ва умуман билимнинг шу соҳасига қизиқувчилар ўқиб, ундан олган маълумот ва билимларидан ўз амалиётларида самарали фойдаланадилар, деб ўйлаймиз.

Зокир Акрамов, журналист

• Мулоҳаза бекати

ҚАНДАЙ ГАПИРГАН МАЪҚУЛ?

Бир куни дўстим Лазизбекнинг уйига меҳмондорчиликка бордим. Дўстим билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрадим. Кейин бирга овқатландик. У билан ҳар галгидек шахмат ўйнадик. Лазизбек билан тез-тез ҳазиллашиб, тортишиб қолардик, шунинг учунми, бир биримизни «сен»лаб гапиришга ўрганиб қолганмиз. У негадир ўша куни мени бирор марта «сен»лаб гапирмади. Ўйин ҳам яхши ўтди, урушсиз, жанжалсиз. Ҳайрон бўлдим. Нега ўртоғим мени «сиз»лаяпти, деб ўйлаб, ўйимга етолмадим. Хайрон бўлганимча бор, у мендан бир ёш катта эди-да!

Кейин мен ҳам уялиб, уни «сиз»лаб: «Лазизбек, нега мени бирдан «сиз»лаб қолдингиз?»,— деб сўрадим.

–Биласизми, Элдорбек, дўстим, одам бир-бирини сизлаб гапирса, янада яқинроқ бўларкан. Мана, бугунги шахмат ўйинимизга қаранг, ўзингиз гувоҳи бўлдингиз, ўйинни урушжанжалсиз тугатдик, тўғрими? Менга сизлашни севган қизим ўргатди, тилим ўрганиб қолиб-ди. Ўзим ҳам билмайман, каттами, кичикми, сизлаб гапириб кетавераман, менга бу одат бўлиб қолди, — деди у мамнуният билан.

Хуллас, ўша кундан бошлаб унга «сиз»лаб гапирадиган бўлдим.

Ўйлаб қарасам, дўстим Лазизбекнинг гапида жон бор, «сен» ҳам, «сиз» ҳам бир оғиздан чиқади-ку!

Ҳозирги кунда бир-бирларига «сиз»лаб муомала қиладиган оилалар камайиб кетган. Бир қарашда «сен» дилга яқинликни билдиргандай туюлса-да, «сиз» деган каломнинг ёқимлилигини ҳис қилсангиз, "сиз"лаб гапиргингиз келади доим. Айниқса, қизларнинг бир-бирларига "сиз"лаб гапиришлари ҳавасингизни келтиради. Халқ орасида юрсангиз, «Бир жойга келин бўлиб тушган қиз, ўша оиланинг товуғигача сизлармиш», деган ҳазил ибораларни ҳам эшитиб қоласиз. Дарҳақиқат, бу ёлғондан йироқ гап. Яна бир нарсани айтиш ўринли, келин бўлиб тушган жойини ҳурматлаган, у оиладагиларга азиз бўлишни истаган ҳеч бир келин «сен» сўзини тилига олмайди.

Хўш, шундай экан, нега энди кўпинча яқин кишиларимизни ҳам «сен»лаб гапирамиз? Инсоннинг мулойим, юмшоқтабиат, хушхулқ бўлишида «сиз» сўзининг аҳамияти катта экан. Келинг, яхшиси «сиз»лаб гаплашайлик!

Элдор АКРАМОВ

• Севги саргузаштлари

Хабиб ТЕМИРОВ

МАКРИ ЁКИ ИҲАББАТ?



Меҳри билан учрашувдан сўнг икки-уч кун ўтгач ҳам «Абдувалининг хориждаги дўсти ким, «Уста» эмасми?» деган савол менга тинчлик бермади. Унга қўнғироқ қилсам, Меҳрининг ҳузуримга келиб-кетганини билдириб қўймасмиканман, деган истиҳолага бордим. Шунчаки, билмасликка олиб, гап орасида сўрасам бўлар. Қани, бир қўнғироқ қилай-чи.

— Салом, Абдували!

— Ваалайкум ассалом!

— Ишлар қалай?

— Тузук.

— Меҳрихоннинг аризаси бўйича бирон янгилик борми?

— Бўлиб қолар...

— Ўзини кўрдингми? Қалай экан?

— Кўрдим. Яхши.

— Шу ердами?

— Шаҳарда эмас. Беш-ўн кун дам олгани... санаторийга кетган. Ўзинг қалайсан? Ижодлар яхшими?

— Яхши, — дедиму шу пайт каллам ишлаб кетди. Ярми ёлғон, ярми чин қилиб, мақсадга кўчдим:

— Бир китоб чиқармоқчиман. Пулдорроқ ҳомий керак. Менга қара, ҳалиги... «Уста» оғайнимиз қарашиб юбормасмикан?

— Менимча йўқ. У хорижда-ку.

— Сен хабарлашиб турибсанми?

— Анча бўлди, алоқамиз узилиб кетган. Унга... яқинлашмаганинг маъқул.

— Нега энди? Бир-икки миллион ёрдам қилса, давлати камайиб қолмас.

— Ундан пул олишни хаёлингдан чиқариб ташла!

— Нима учун?

— Кейинроқ... тушунасан. Дарвоқе, мен... эрта-индин ўнўн беш кунга хизмат сафарига кетсам керак. Ҳалиги... Меҳрининг шикоят ҳатига жавобни яна бир ойга кечиктириб турарсан.

— Қандай қилиб?

— «Тергов кетаётганлиги учун», деб изоҳласа бўлади-ку. Хўпми?

— Хўп. Сафар узоққами?

— Йў-ўқ. Яқин...

Мен ундан: «Туркияга, «Сокин қирғоқ» оромгоҳига, Меҳрихоннинг ёнига эмасми?» — деб сўрашимга бир баҳя қолди. Ўзимни босдим. Ҳамонки, ўзи айтмадими, унақа қилиш одобдан эмас. Ундан ташқари, Меҳрининг ишончини суиистеъмол қилиш ярамайди.

Шундай деб ўйлаш баробарида кўнглимдан: «Шошма, бу Меҳрихоним сени ҳам, Абдувалини ҳам, умуман эркак зотини лақиллатиб, ўйнатиб, ўз ишини битказиб, айшини суриб юрган бир... маккор аёл эмасмикан?» — деган шум фикр ўтди. Кўнгил душман, дейдилар. Меҳрининг унақалигига ишонмайман. Шунчаки у... ақлли аёл. Дўстлар ўртасига совуқчилик тушмасин, деган. Гўзал ва ақлли аёл. «Қўйсанг-чи, унақаси бўлмайди. Аёлнинг бир йўла гўзал ва ақлли бўлиши ҳаётда учрамайдиган ҳодиса», — деди менинг ўжар кўнглим яна...

— Майли, сафарлар бехатар бўлсин, — дея хайрлашдим Абдували билан.

— Хафа бўлма, қайтиб келай, биргалашиб бошқа бир ҳомий топамиз китобингга, — деди Абдували.

Шундай қилиб «Уста» ҳақидаги саволимга жавоб тополмай қолдим. Нега Абдували давлатманд ва сахий ошнасига мени яқинлаштиришни истамаяпти? Унинг саховатига ортиқча яна битта шерик пайдо бўлмасин, деяпти шекилли?..

Ажабки, «Уста» ҳақидаги саволимга тез орада кутилмаган жойдан жавоб топдим.

7. МЕҲРИНИНГ ҚАЙТИШИ

Орадан бир ой ўтди. Шу вақт миёнасида икки-уч бор хизмат сафарида бўлдим. Ишда бўлган кунларим бир-икки бор Абдувалига қўнғироқ қилдим. «Ҳали хизмат сафаридан қайтмади», — дейишди. Унинг менга ҳалигача номаълум бўлган «дўсти» ҳақидаги суриштирувларимдан ҳеч иш чиқмади. «Уста» бўлса керак-да, деб қўл силтаб қўяқолдим. Лекин... Меҳрини у кўра-била туриб савдогар бойваччанинг чангалига юбориши сира ақлимга сиғмади? Нега? Ё... қудратли бир одамнинг паноҳида тургани маъқул, деб ўйлаганмикан? Наҳотки, Меҳрини ҳимоя қилишнинг шундан бошқа чораси топилмаган бўлса? Бироқ Абдувалининг мен билмайдиган бошқа бойвачча ўртоқлари ҳам бўлиши мумкин эмасми? Ахир, ҳар қалай, проқуратура ходими-ку. Нега мен «Уста»га бу қадар ёпишиб олдим? Қолаверса... унинг ёмон одам эканлиги ҳақида ҳеч қанақа далил-дастагим йўқ-ку. Нима, пули кўп одамнинг ҳаммаси ёмон бўлаверадими? Қайдан ёпишди менга бу люмпенйўқсилча нигилизм? Социалистик ўтмишдаги текисчилик асоратими? Бугун пулдор кишилар орасида қанча-қанча саховатли, савобталаб, камтар ва камсуқум одамлар бор-ку. Аслини олганда, «Уста» ҳам... ўшанақалардан. Ўзим ҳам унинг саховатидан бахраманд бўлганман. Хўш, ундай бўлса... нега ҳадеб Меҳрини қоҳ Абдували, қоҳ «Уста» чангалида тасаввур этиб, қизғаниб юрибман. Ё... Абдували айтганидек, бу хушрўй жувонга ўзим ҳам ошиқманми?

Тўғриси, кўнглимнинг бир четида ана шу савол бор эди ва уни қачондир ўзимга-ўзим беражагимни билардим. Энди унга холис жавоб қайтармоғим керак! Холисанлилло айтсам, чиройли, бунинг устига боши очиқ аёлни кўрган анча-мунча эркак кўнглида ихтиёрсиз бир ҳавас пайдо бўлиши табиий бир ҳол. Эҳтимол бу, дарвинизм назарияси нуқтаи назаридан айтганда оддий атавизм ҳодисасидир? Ёки иймон сустлигимикан? Билмадим. Лекин мен мудом ўзимдаги ана шу ҳавасни енгишга ҳаракат қилиб юраман. Дарвоқе, менда бу ҳавас қачон пайдо бўлган эди? Янглишмасам Меҳрини суддан кейин кузги хиёбон бағрида учратган чоғимда. Куз ўзи шунақа фасл. Табиатдаги гўзаллик чекина бошлайди. Кўнглингда зерикарли бир бўшлиқ пайдо бўлиб, нимадандир айрилганингни, ниманидир соғинаётганингни ҳис этасан. Ўзингга аллақандай бир овунч ахтарасан. Ногаҳон хазонрез боғлар қўйнида ёқутдек нур таратиб турган қирмизи атиргулга кўзинг тушса... ёш боладек қувониб кетасан. Дарвоқе, мен ўшандаёқ бу ҳақда гапирган эдим-ку. Фақат... ўша қирмизи атиргул кейинроқ қишда ҳам, баҳору ёзда ҳам тасаввуримни тарк этмаганини, қачон уни эсласам кўнглим кундай ёришишини айтмаганман. Мана, энди айтдим. Лекин бу... ҳавас, ҳолос. Бу ҳаваснинг самимий хайрихоҳликдан бошқа нарсага айланиб кетишини истамаганман. «Ҳар хотинга ошиғу ҳар қизга хуштор авлиё» бўлиш нақадар кулгили эканини биламан. Лекин...

Кўнглимнинг бир четида доимо «Энди Меҳри нима қиларкан? Кимгадир яна кўнгил қўярмикан? Шундай моҳитабон аёлнинг муҳаббатига қандай бахтли одам сазовор бўларкан?», — деган саволлар тез-тез айланар ва Меҳри охирги марта «Сиз билан учрашсак, маслаҳат берсангиз», — деб қўнғироқ қилганида, Абдувалидан яшириқча олдимга келганида яна бир янги савол пайдо бўлган эди: Меҳри мен ҳақимда... нима деб ўйлар экан?

Бунга табиийки, Меҳрининг менга ўзини яқин олгани, маслаҳат сўрагани сабаб бўлди. Эҳтимол, Меҳри бир пайтлар марҳум эри ҳақида оқлаб мақола ёзганим учун шунчаки менга нисбатан ўзида ҳурмат ҳис этар. Ёки... ёлғиз аёл сифатида кимгадир суянгиси келгани учун: «Ҳар қалай зиёли одам-ку», — деб мени танлагандир. Бунда ҳеч бир ғараз, ҳеч бир ёмон фикр йўқдир. Ҳар қалай, эркак зоти аёл киши томонидан билдирилган ҳар қанақа имдод, қар қанақа тараҳҳумни «ғунажин кўзини сузди», деб қабул қилмаслиги керак. Айни пайтда, нафсиламбрини айтганда, қурғур эркак барибир буқалигига бораркан. Буни Абдували уни хорижга дам олишга юбораётганини эшитган заҳоти сездим. Ихтиёримдан мутлақо ташқари бир ҳолатда Меҳрини Абдувалидан... қизғандим. Бу рашк эмасди. Рашк қаттиқ севгувчи ошиқ кишида ёки аёлга ўзининг дахлсиз мулки, деб қаровчи нодон эрларда бўлади. Меники қизғанишдан ҳам кўра... Меҳрини асраш, кўрилаш истагига ўхшаб кетар эди.

Айни пайтда, бу истак агар Меҳри ўзига муносиб бир эр топиб, бахтли бўлиб кетишига асло монелик қилмасди. Бироқ ана шундай муносиб одам топилишига сира кўзим етмас, «гўзал аёлнинг бахтли бўлиши жуда қийин», деб ўйлар эдим...

Ана шундай ўйлар оғушида юрган кунларимда... Меҳри кўнғироқ қилди. Овози жудаям яқиндан эшитилди. Қувониб, ўзимни кўярга жой тополмай қолдим.

— Қаердасиз? — деб сўрадим.

— Шу ерда, шаҳарда.

— Қачон қайтиб келдингиз?

— Кеча.

— Кўришайлик бўлмаса.

— Майли. Қаерда?

— Ўша жойда. Хиёбонда.

— Қачон?

— Ҳозир.

— Ҳозир эмас. Кеч соат олтида.

— Бўпти. Ўша ерда кутаман...

Меҳри келди. Денгиз ҳавоси ёққан шекилли, бироз тўлишиб, янаям очилиб кетибди. Мен дарҳол ўзимни қийнаётган биринчи саволимни бердим:

— У ёқда... Абдували билан учрашдингизми?

— Йўқ. Учрашолмадим. У киши бормади. Ва... умуман, бизни унутиб юборди.

— Ие, ахир, «бораман, ўша ёқда батафсил гаплашамиз», деган эмасмиди?

— Деган. Бироқ афтидан у киши мени бошқа биров учун совга... ўлжа қилиб тайёрлаган экан. У ёқда ўша одамга... дуч келдим.

— «Уста» эмасми? — деб юбордим беихтиёр.

— Қанақа «Уста»? — тушунмади Меҳри.

— Ҳалиги... тўйингизда қатнашган бир тижоратчи одам...

Меҳри елкасини қисди.

— Билмадим. У одамни... атиги икки марта кўрдим. Сиз... Абдували акани кўриб турасизми?

— Биласизми? Ростини айтсам анчадан бери кўрганим йўқ. Ўша, сиз жўнаб кетган кунларда охирги марта суҳбатлашганмиз. Кейин, мен ҳам ишлар билан бўлиб қолдим тегмади.

— Сиздан бир илтимосим бор. Агар малол келмаса... Абдували акага бир қўнғироқ қилсангиз. Мен ўзим қилай десам... ноқулай.

— Телефон қилиб... нима дей?

— «Меҳри сиз билан учрашмоқчи», — денг. Вақти бўлса, эртага шу пайт, шу ерга сиз билан бирга келсин. Майлими?

— Майли-ю... мен... Икки одамнинг суҳбатида учинчи киши ортиқча бўлади.

— Йўғ-е, суҳбат эмас. У киши билан жиддий гапларимиз бор. Майли. Мен олдин гапиришай бўлмаса. Кейин сизга... айтиб бераман. Ҳикоянгиз учун керак-ку, шунақами?

— Шунақа.

— Бўлмаса... энди хайрлашайлик. Кеч бўлиб қолди.

— Меҳрихон, денгиз соҳилида, дам олиш чоғи кўрган-кечирганларингизни сўзлаб бермайсизми? Бояги жумбоқли гапингиз...

— Унчалик жумбоқли эмас. Оддий ва жўн воқеа. Бошланиши эртакка ўхшайди-ю, ниҳояси аянчли. Кейин бир йўла сўзлаб бераман. Дарвоқе, сиз «Уста», деб айтган одамнинг исми Нўён эмасмиди?

— Шунга ўхшаган эди, шекилли...

— Агар ўша бўлса, яқинда ўлди. Эшитдингизми?

— Нима? Йўғ-е, бўлиши мумкин эмас.

— Хорижда. Демак, эшитмабсиз-да. Майли. Бунинг нима аҳамияти бор. Демак эртага... шу пайт, шу ерда, Абдували акани кутаман.

— Яхши... Меҳри, шошманг, «Уста» ҳақида...

— Кейин айтиб бераман. Кейин...

(Боши ўтган сонларда)

(Давоми келгуси сонда)

MILLIY TIKLANISH
Миллий тиклаиш — миллат келажаги
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy gazetasi

— Ҳақиқий изҳорлар, самимий сўзларни қоғозга тушириш ҳамиша қийин кечади. Бизни иззат қилган, санъаткорларини доимо бошига кўтариб, эъзозлайдиган юртдошларимиз, чин мухлисларимиз бор бўлишсин!

Суратда: «Шаҳзод» гуруҳи хонандаси Рашид Холиқов. Нўъмонжон Муҳаммаджонов сурат-лавҳаси.

Қадим замонлардан бери одамлар саломатликни сақлаш ва касалликларни даволашда мижозга катта аҳамият бериб келишган. Мижозни билиш киши танаси учун жуда муҳим. Қадимги табиблар мижозни тузатиш билан касалликларни йўқотишган. Мижозни билмасдан касалликларни даволашга киришмаганлар.

МИЖОЗИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Мижоз нима?

Маълумки, ҳар бир мураккаб жисм оддий жисмларнинг ўзаро бирикишидан тузилган. Оддий жисмларнинг ҳар бирининг ўз хусусияти мавжуд бўлиб, улар бир-бирлари билан бирикканида янги бир хусусият пайдо қилади. Масалан, тупроқ билан сув аралаштириб, оловда қиздирилганда бутунлай бошқа бир хусусиятга эга бўлган жисм пайдо бўлади. Худди шундай ҳар хил унсурларнинг (олов, сув, ҳаво, тупроқ) ўз қувватлари билан бир-бирларига таъсир қилишлари натижасида уларнинг ҳаммасига мос бир кайфият — хусусият вужудга келади.

Унсурлардаги қарамақарши хусусиятларнинг бир-бирига таъсири маълум бир чегарага етганда пайдо бўлган кайфиятга мижоз дейилади.

Мижозни аниқлаш

Киши мижози тўрт хилтдан қайси бирининг хусусияти бошқаларига нисбатан устунлигига қараб аниқланади:

1. Ушлаб кўриб аниқлаш. Бунда минтақа об-ҳавосига мос соғлом одам танасига текширилаётган одам танаси мос келиш-келмаслиги қиёс қилинади. Агар улар бир хил бўлсалар бу мижознинг мўътадил эканидан далолат беради. Агар текширилаётган кишининг бадани совуқлиги ёки иссиқлигини, хўлроқлиги ёки қуруқроқлиги ҳис қилинса, шунга қараб хулоса чиқарилади.

2. Шунингдек, танада ёғнинг камлиги иссиқликдан, бунинг акси совуқликдан, гўштнинг камлиги қуруқликдан, кўпи хўлликдан далолат. Бундан келиб чиқадики:

— иссиқлик ва қуруқликнинг белгиси танада гўшт ва ёғнинг камлиги;

— қуруқ ва совуқликнинг белгиси мускулнинг камлиги ва мойнинг кўплиги;

— иссиқлик ва хўлликнинг белгиси танада гўштнинг кўплиги ва ёғнинг камлиги;

— хўл ва совуқликнинг белгиси танада гўшт ҳам ёғнинг кўплигидан.

3. Сочлардан аниқлаш. Мижоз сочларнинг ранги, ўсиш тезлиги, қалин-сийраклиги, йўғон ёки ингичкалиги, жингалак ёки силлиқлигига қараб аниқланади. Энг аҳамиятлиси сочнинг ранги ҳисобланади.

Қора соч мижознинг иссиқлигидан, сарғишлиги совуқлигидан, очранг ҳамда қизиллиги мўътадиллигидан, оқлиги эса қуруқлиги ва совуқлигидан далолат беради.

Қалин соч мижознинг иссиқлигини, сийрак соч совуқлигини, тез ўсиши қуруқлигини, секин ўсиши хўллигини, жингалак бўлиши иссиқлиги ва хўллигини билдиради.

Минтақа ва одамнинг ёши сочларни ўзгартиришини ҳисобга олиб, мижозни аниқлашда бу жиҳатга ҳам эътибор қаратмоқ лозим.

4. Буғдой ранг ва қизил бадан мижознинг иссиқлигидан, сариқлиги ва малланранглиги ўта иссиқлигидан, ганч ранг ва оққа мойиллиги мижознинг совуқлигидан, хиралиги ўта совуқликдан, окранглиги хўлликдан, қорамтирлиги мижознинг қуруқлигидан далолатдир. Бақлажон рангидаги тери совуқ-қуруқ, қўрғошинрангли тери совуқ-хўл мижозлиликнинг белгиларидир.

З.Ваҳобова тайёрлади

КЕРАКЛИ ТОШНИНГ ОҒИРИ ЙЎҚ

Оғирлиги 1 килограмм 350 грамм бўлган метеорит Берлиннинг жанубида жойлашган Треббин шаҳарчасидаги иссиқхоналарнинг бирига келиб тушди.

Ерга зарб билан келиб урилган тош бир неча бўлакларга бўлиниб кетганди. Албатта, иссиқхона хизматчилари ҳам анойи эмас эканлар, фалакдан тушган бу эҳсоннинг бўлакларини шошилмасдан териб олдилар. Бу ерга етиб келган олимлардан суюнчисини олганларидан сўнггина самовий тошни уларга топширдилар.

Осмондан тушган бу тош нафақат олимларга, иссиқхона ойналарини синдирганини ҳисобга олмаганда, ишчиларга ҳам тузуккина даромад келтирди.

67 ЁШИДА ОНА БЎЛДИ

Дунёда оналик бахтига муяссар бўлишдан кўра улуғроқ бахт бўлмаса керак. Руминиялик Адриана Илиескага бу бахт жуда кеч насиб қилди. Майлида, ҳечдан кўра кеч, дейишади-ку.

Адриана узоқ йиллар давомида она бўлишга умид боғлаб, даволаниш муолажаларини олиб турарди. Аммо уларнинг ҳеч бири яхши натижа бермасди. Бир куни у сунъий равишда бўлса ҳам ҳомиладор бўлишга қарор қилди. Хуллас, Адриана бир эмас учта фарзанд кўрди. Аммо бир неча кундан сўнг чақалоқларнинг аҳволи ёмонлашиб қолди.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари билан уларнинг фақат биттасинигина сақлаб қолишга эришилди. Кекса она омон қолган қизининг исмини Элиза-Мария деб номлади. Ҳозирда Адриана арзанда қизчаси таваллудининг бир йиллигини нишонлаш билан овора.

ХИТОЙЛИК АЁЛЛАР ҲИЙЛАСИ

Маълумки, Хитой дунёда энг аҳолиси кўп мамлакат ҳисобланади. Аҳоли сони йилдан-йилга тез суръатлар билан ўсиб бораётганини ҳисобга олган Хитой ҳукумати хитойлик аёлларни фақат битта фарзанд билан чекланишга чақириб, бу борада тегишли қонунлар ишлаб чиққанди.

Қайсики оила бу қонунни четлаб, иккинчи фарзандни дунёга келтирса, тегишли тартибда жарима ундириларди. Аммо битта фарзанд билан чекланиб қолишни истамаган хитойлик аёллар бунинг ҳам йўлини топишибди. Маълумотларга қараганда, кейинги вақтда хитойда эгизаклкрнинг дунёга келиши кўпайиб кетган. Махсус дорилар ёрдамида хитойлик аёллар бира тўла иккита фарзанд кўришни хоҳлашаяпти.

Аммо масаланинг яна бир томони бор: махсус препаратлар орқали туғилган эгизакларнинг соғлом бўлишига ҳеч ким кафолат беролмайди. Ҳозирда ҳукумат аёлларни бу йўлдан қайтаришга уриняпти.

М.РАҲМАТОВ таржимаси

КРОССВОРД

Тузувчи: Элдор АКРОМОВ



ЭНИГА: *10. Мали пойтахти. 11. Чолғу асбоби. 12. Физиканинг ёруғлик ҳақидаги бўлими. 13. Мезозей эрасининг иккинчи даври. 14. Атмосферанинг тропосферадан 8-16 километр юқори жойлашган қисми. 15. Африкадаги мамлакат. 18. Ўсимликлар дунёси. 19. Нишолда тайёрлашда ишлатиладиган илдиз. 20. Энг оғир металл. 22. Манфий зарядланган ион. 24. Қиммат эмас. 25. Йиртқич ҳайвон. 26. Доимо яшил жануб дарахти. 27. От тури. 28. Машҳур поляк фильми. 30. Спорт ўйинларида марра чизиғи. 37. Япон ёзувчиси Кобо ..... . 38. Чақа-тангалар ва медаллар тарихини ўрганувчи фан. 39. Яқин қариндош. 42. Боксдаги ҳолат. 43. Қовун тури. 44. Қадимги Рим афсоналаридаги эрталабки ёруғ нур маъбудаси.*

БЎЙИГА: *1. Нефт ўлчов бирлиги. 2. Поляк жаноби. 3. Бутун тана аъзоларини қон билан таъминлайдиган энг катта томир. 4. «.... бошлайди ва ютади». 5. Эркаклар исми. 6. Сўзларнинг бир-бирига маълум тартиб асосида боғланиши. 7. Зарбли мусиқа асбоби. 8. АҚШ штати. 9. Мусиқада: жуда паст йўғон овоз, адабиётда: саккиз мисрали шеърий шакл. 16. Паррандашунослик. 17. Матнни шартли белгилар билан тез ёзиб олиш. 21. Жўхори тури. 23. Япониядаги шаҳар. 29. Англиянинг қадимги номи. 31. Мамлакатга хориждан мол келтириш. 32. Ранг. 33. Кумуш тусли қаттиқ металл. 34. Табиат ҳодисаси. 35. Қадим, аввал, тарих. 36. Заҳириддин Бобурнинг невараси. 40. Ҳурмат маъносидаги японча мурожаат шакли. 41. Шоҳларнинг қалъа ичидаги кошонаси.*

Халқаро воқеалар

Мухторият раҳбарининг ВАКОЛАТЛАРИ ҚИСҚАРТИРИЛДИ

Асосан «Хамас» гуруҳи вакилларидан иборат Фаластиннинг янги сайланган парламенти мухторият раҳбари Маҳмуд Аббос ваколатларини қисқартириш ҳақида қарор қабул қилди.

Парламентнинг биринчи мажлисида депутатлар аввалги чақириқ қонун ижодкорларининг Аббосга мамлакат конституциявий суди аъзоларини тайинлаш ҳуқуқини бериш ҳақидаги қарорини бекор қилдилар.

Хориж оммавий ахборот воситаларининг тарқатган хабарларида айтилишича, бу воқеалардан сўнг Маҳмуд Аббоснинг расмий вакили «хамасчилар»ни Фаластинда давлат тўнтариши уюштиришда айблаган.

МИЛЛИОНЛИК ДОВОН босиб ўтилди

Россиянинг «Единая Россия» партияси аъзолари сони миллион кишидан ошиб кетди. Бу ҳақда партия етакчиси Борис Гризлов маълум қилган.

Ҳозирча, миллионинчи аъзо ким эканлиги айтилганича йўқ. Шундай қилиб, «Единая Россия» КПРФ, ЛДПР каби йирик партияларни ҳам ортда қолдириб, мамлакат сиёсий тизимидаги энг оммалашган партияга айланди.

Бу воқеа байрам қилинмаган бўлса-да, партия етакчиси Б.Гризлов уни «муҳим ва аҳамиятли» деб атаган. Унинг айтишича, партия сафи қанчалик кенгайса, у ҳал қиладиган ишлар кўлами ҳам шунчалик ошади. «Биз қарорларнинг ижросини таъминлаш масъулияти асосан Давлат Думасида кўпчиликни ташкил қилган партиямиз аъзолари зиммасига тушишини биламиз, — деган Б.Гризлов, Олий кенгаш йиғилиши натижалари бўйича ўтказилган анжуманда. — Ҳаёт тақозоси билан қарорларни амалиётга татбиқ этиш яхшиланмоқда».

Маълум қилинишича, бугунги кунда «Единая Россия» асосан аёллар ўртасида оммалашган — эркакларга нисбатан партияга аъзо аёллар сони 15,6 % га кўп.

2001йил 11 сентябр фожеаси: СУД ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ

Душанба куни Вашингтон яқинидаги Александрия шаҳри судида АҚШда 2001 йил 11 сентябр куни содир этилган террористик ҳаракатларга алоқадорликда айбланган шахс устидан суд жараёни бошланди.

37 ёшли — асли келиб чиқиши марокашлик — француз Закариас Муссауи 2001 йилда ҳибсга олинган эди.

Муссауи АҚШга «Ал-Қоида» гуруҳи томонидан уюштирилиши мўлжалланган террористик ҳаракатларда иштирок этиш учун келганлигини тан олган, аммо 11 сентябр воқеалари ҳақида хабари бўлганлиги фактини инкор этмоқда.

Хориж матбуотида Закариас Муссауининг унга қўйилган айбловнинг олтита банди бўйича ўз айбини тан олганлиги ҳақида хабарлар тарқатилмоқда.

Суд курсисида ўтирган Муссауи Оклахомада самолётни бошқариш курсида ўқиётганида ўқитувчисининг гумони билан ҳибсга олинган.

11 сентябр воқеаларида вафот этганларнинг 500 нафар оила аъзолари учун Виржиния штатининг Александрия шаҳрида ўтаётган суд жараёнини телетранслацияси ташкил этилади.

Эрон ядро муаммоси: КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛАДИМИ?



Вена шаҳрида МАГАТЭ бошқарувчилари кенгаши сессияси бўлиб ўтмоқда. Унинг муҳокама мавзуси — Эрон ядро муаммоси. Асосий савол ҳам битта — келишувга эришиладимми?

Йиғилиш давомида агентлик вакиллари Эрон ядро «досье»сини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашига ўтказиш масаласини ҳал қилишлари керак.

Асосий маърузаси сифатида МАГАТЭ агентлиги раҳбари Муҳаммад ал-Барадей иштирок этади.

МАГАТЭнинг ҳозирги асосий вазифаси тарафларни музокарага чақиришдан иборат. Эслатиб ўтамиз, музокаралар Эрон тарафининг уранни қайта ишлаш дастурини тиклаганидан сўнг тўхтаб қолган эди.

Маърузада Эрон давлатига қўйидаги талаблар қўйилган: уранни қайта ишлаш билан боғлиқ ҳар қандай фаолиятга мораторий эълон қилиш, халқаро назоратчиларнинг Эрон ядро объектларини хоҳлаган пайтда текшириш имкониятини яратиб бериш, тегишли ҳужжатларни тақдим этиш.

Ал-Барадей Эрон билан келишувга эришиб, музокара жараёнларини қайта тиклашга умид билдирган.

ОСКАР МУКОФОТЛАРИ топширилди

Голливудда бўлиб ўтган анъанавий «Оскар» киносоврини натижалари бу гал кутилмаган натижаларни келтирди: «Йилнинг энг яхши филми» деб Пол Хеггиснинг «Тўқнашув» филми топилди.

Бу йил «Энг яхши филм» соврини учун рекорд миқдорда — 311 та филм кураш олиб борди. Кўп шов-шувларга сабаб бўлган «Букри тоғ» филми эса саккизта йўналиш бўйича номзоди қўйилган бўлса-да, бор-йўғи учта «Оскар» ҳайкалчасини қўлга киритди.

«Энг яхши эркак актёр» деб

биринчи марта Филипп Сеймур Хоффман, «Энг яхши аёл актёр» деб Риз Уизерспун топилди. Роберт Олтман эса «Энг яхши режиссёр» сифатида эътироф этилди.

Интернет хабарлари асосида Али БОЙ тайёрлади

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH
Миллий тикланиш — миллат келажаги
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Таҳрир ҳайъати

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80,
реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 523.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2117
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00